

12-1-2018

## THE ISSUES OF FORMATION AND DEVELOPING OF DEPOSIT POLICY OF COMMERCIAL BANKS

A. Omonov

*Tashkent Financial institute*

S. Rakhimov

*Samarkand State Institute of Architecture and Construction*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Omonov, A. and Rakhimov, S. (2018) "THE ISSUES OF FORMATION AND DEVELOPING OF DEPOSIT POLICY OF COMMERCIAL BANKS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 5 , Article 2.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss5/2>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

**Омонов А.А. – ТМИ, кафедра муdiri и.ф.д., проф.  
Рахимов С. - СамДАҚИ ассистенти**

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДЕПОЗИТ СИЁСАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ**

Мақолада тижорат банклари депозит сиёсати назарий, ташкилий-амалий жиҳатдан ўрганилган ва тижорат банклари депозит маблағлари таҳлил таҳлил қилинган ҳамда тавсиялар шакллантирилган.

**Таянч сўзлар.** Тижорат банки, банк депозити, депозит сиёсати, муддатли депозитлар.

В статье изучены теоретические и организационно-практический аспекты депозитной политики коммерческих банков, также проанализировано состояние привлечения депозитных средства в отечественных банках и разработаны некоторые рекомендации.

**Ключевые слова.** Коммерческие банки, банковское депозит, депозитная политика, срочные депозиты.

The article examines the theoretical, organizational and practical aspects of the deposit policy of commercial banks, also analyzes the conditions of attracting deposit funds in domestic banks and developed some recommendations.

**Keywords.** Commercial banks, bank deposit, deposit policy, time deposits.

### **Кириш**

Миллий иқтисодий инновацион ривожлантириш шароитида тижорат банклари олдида қўйилаётган қатор вазифалар уларнинг депозит сиёсатини такомиллаштиришни талаб этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ўз нутқларида “Янги молиявий инструментларни жорий этиш ва облигациялар чиқариш орқали, банк хизматлари кўламини янада кенгайтириш, илғор ахборот технологиялари асосида банк тизимини ривожлантириш зарур.”[1] деб алоҳида таъкидладилар. Албатта, бу вазифаларни бажаришда тижорат банклари депозит сиёсати муҳим ўрин тутди.

Мамлакатда амалга амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатларнинг самарадорлиги тижорат банклари депозит сиёсати самарадорлиги ва базасининг мустаҳкамлигига бевосита боғлиқдир. Бирок, бу борада мамлакатимиз тижорат банклари депозит сиёсати кўпчилик ҳолларда амалиётда ўзининг натижасини бермаганлиги сабабли уларнинг депозит базаси заифлигича қолмоқда. Хусусан, тижорат банкларининг жалб қилинган маблағлари таркибида 90 фоизда юқориси талаб қилиб олингунча сақланадиган беқарор маблағлар ҳиссасга тўғри келади. Шу билан бирга, Марказий банкнинг монетар инструментлари ҳам тижорат банклари депозит сиёсати самарадорлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда. Буни биз Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ва тижорат банклари жалб қилинган маблағлари ҳисобидан мажбурий захиралари бўйича ўрнатилган ставкаларнинг юқорилигида кўришимиз мумкин [2].

Мақолада мазкур масалалар назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиниб, муаллифларнинг бу борадаги қарашлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялари таклиф этилган.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Тижорат банклари депозит сиёсати хусусида фикр юритишдан олдин унинг иқтисодий моҳиятини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. “депозит” сўзи латинча “*depositum*” – “сақлашга топширилган буюм” маъносини, “сиёсат” сўзи грекча “*politike*” сўзидан олинган бўлиб, “давлатни бошқариш саънати” маъносини англатар экан. “Депозит сиёсати” сўзининг иқтисодий моҳиятидан кўриниб турибдики, “сақлашга топширилган” қиймат, буюм ёки бошқа предметни “бошқариш” зарурлигини билдираётти [3].

“Сиёсат” тушунчаси – философия энциклопедик луғатида “Сиёсат – ҳам амалий муносабатлар ҳам мафкура сифатида иқтисодий жараён ҳаракати билан умумлаштирилган ва жамиятнинг иқтисодий базисига қурилма бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий қизиқишлар пировардида сиёсий ҳаракат сабабли майдонга чиқади”[4].

Вебстр луғатида “сиёсат” тушунчаси “кетма-кет боғланган ҳаракатларнинг бажарилиш усули, бу ерда тамоиллар уни амалга оширишда тегишли усуллар сиёсатини аниқлашнинг асоси сифатида тушунилади”. “Сиёсат”ни келиб чиқишини аниқлайдиган жамият муносабатлари соҳаси сиёсат таъсирининг объекти бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга, “сиёсат”ни ҳам бирон бир соҳадаги фаолият ҳам мафкура сифатида тушуниш мумкин. Шундай қилиб, “сиёсат” ихтиёрий соҳада маълум бир услублар тўплами аниқ вазифаларни ечишга қаратилган тадбирлар мажмуи деб тушунилса, унда банкнинг ресурс базасини шакллантириш бўйича ўтказилаётган операциялар тавсифи бу сиёсатни “депозит сиёсати” деб аташга имкон беради.

Демак, бизнинг фикримизча, “депозит сиёсати” сўзини алоҳида олиб қарайдиган бўлсак, ушбу сўз тижорат банкларининг муддатли молиявий ресурсларни бошқариш маъносини англатмайди. “Депозит сиёсати” сўзини, албатта “тижорат банклари депозит сиёсати” тарзида қўллансагина, у тижорат банкларида жалб қилинган маблағлар доирасида тегишли чора-тадбирлар маъносини англатади.

Депозитлар банклар томонидан амалга ошириладиган депозит сиёсатининг асосий ўзагини ташкил этади. Хорижий ва маҳаллий иқтисодий адабиётлардан маълум бўлишича иқтисодчи олимлар банк депозитининг иқтисодий моҳиятига турлича ёндашдилар.

Хорижий иқтисодий адабиётларда депозитларга банк мижозларининг барча пул маблағлари, яъни юридик ёки жисмоний шахслар номига очилган ҳисобварақидаги, жорий ёки бошқа ҳисобрақамлардаги пуллар киритилади. Демак иқтисодчи олимлар депозитларнинг иқтисодий мазмунига ёндошувлари турличадир. Хусусан, Л. С. Падалкина “депозит – бу кредит муассалардаги барча муддатсиз қўйилмалардир” [5] деб таъкидлайди.

Л.С.Падалкинанинг депозитни кредит мусасаларидаги муддатсиз қўйилмалар деган фикрига қўшила олмаймиз, чунки муаллиф депозитни муддатсиз қўйилмалар тарзида таърифлаши натижасида унинг муддатли

маблағлар сифатида намоён бўлишини инкор этмоқда. Шу билан бирга, қиймат ёки натура кўринишида шаклланиши ҳам эътибордан четда қолган.

Америкалик иқтисодчи олим Э. М. Родэ “депозит – банк мижозларининг жамғармадан ташқари барча муддатли ва муддатсиз қуйилмаларидир” деган иқтисодий талқинни илгари суради[6]. Э.М.Родэнинг депозитга берган иқтисодий таърифи Л.С.Падалкинанинг таърифига нисбатан аниқроқ бўлиши билан бирга, муаллиф банк депозитининг айнан қиймат кўринишида намоён бўлишини эътиборга олмаган.

Россия иқтисодчи олими М. Н. Березина “депозит – бу мижозга унинг барча турдаги пул маблағларини сақлаш учун очиладиган ҳисобварақдир” деган янаям соддароқ, агар таъбир жоиз бўлса, депозитнинг иқтисодий маъносига жудаям яқин бўлмаган фикрни илгари суради.

Уқорида келтирилган таърифлар ва манбалардан кўриниб турибдики, банк амалиётида қўлланилаётган депозитлар ва умуман, депозитлар ҳақида иқтисодий адабиётларда ягона ёндошув мавжуд эмас. Халқаро банк амалиётида депозитлар дейилганда молия – кредит ёки банк муассасаларига сақлаш учун берилган қимматли қоғозлар ёки пул маблағлари тушунилади[7].

Тадқиқотлар ва амалга оширилган ўрганишлар натижасида тижорат банклари депозит сиёсати уларнинг пассив операциялари сиёсатининг асосий таркибини ташкил этиши маълум бўлмоқда. Шу боис, банкларнинг депозит сиёсати моҳиятини ёритишда уларнинг шаклланиш хусусиятини ташкил этадиган пассив операцияларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Тижорат банклари пассив операциялари хусусида хорижлик иқтисодчи олимлари тадқиқотлар олиб боришган[8].

Халқаро банк амалиётида пассив операциялар банклар фойдасидан фондларни шакллантириш ва уларни кўпайтиришга ажратмалар, депозит операциялари, юридик шахслардан олинган кредит ресурслар, муомалага қимматли қоғозлар, пул билетлар ва тангаларни чиқариш тарзида тўртта гуруҳга ажратилади. Демак, депозит операциялар – банкларнинг омонатчилар билан тузган шартномалари асосида депозит мақсадларига кўра муайян муддатга жалб этиш ҳамда сақлашга доир операциялардир.

Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунга кўра депозитлар омонат тарзида талқин этилиб, “Омонат (депозит) - талаб қилиниши биланоқ ёки тўловни амалга оширувчи шахс билан тўловни олувчи шахс ёхуд уларнинг қонуний вакиллари ўртасида келишилган муддатда фоизлар ёки устама ҳақ тўлаган ҳолда ёхуд бундай тўловларсиз ҳаммасини қайтариб бериш шarti билан топшириладиган пул суммаси” [9] маъносида таъриф берилади.

### **Таҳлил ва натижалар**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома депозитларнинг асосий тушунчалари, депозитларнинг турлари, депозит ҳисобварақлари бўйича оперциялар ҳисобини юритиш ва ҳисоботини тузиш каби асосий масалалар белгиланган.

Марказий банкнинг ушбу Низоми тижорат банклари депозит сиёсатини

ишлаб чиқиш учун асосий мезонларни белгилаб берувчи меъёрий ҳужжат сифатида барча ҳолатларни ўзида акс эттириши мақсадга мувофиқ эди. Бироқ, айрим ҳолатлар Низомда ўзининг аксини топмаган. Жумладан, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

-депозит сиёсати барча тижорат банкларида ишлаб чиқилиши ва унинг халқаро ва маҳаллий фонд-молия бозорларида вужудга келаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни инобатга олган ҳолда ҳар йили қайта кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши;

-тижорат банкининг депозит сиёсати бўйича амалга оширилиши зарур бўлган маркетинг ва менежмент фаолияти юзасидан асосий талаблар ва меъёрларнинг мавжудлиги;

-ҳисобот даврининг якунида депозит сиёсатида белгиланган вазифа ва асосий йўналишларнинг бажарилиши ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш масалалари шулар жумласидандир.

Буларнинг барчаси тижорат банклари депозит мабалағларини шакллантириш, барқарор молиявий ресурсларни шакллантириш, банкнинг ликвидлилик ҳолатини таъминлаш, рискка тортилган актив операциялар ҳажмини оширишда мавжуд муаммоларнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз тижорат банклари депозит сиёсати етарли даражада самарали ишламаяпти. Бунга қатор ташқи ва ички ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа омиллар таъсир қилмоқда. Амалга оширилган тадқиқотлар ва ўрганишлар асосида мамлакатимиз тижорат банклари депозит сиёсатини самарали амалиётга жорий этиш ва иқтисодий аҳамиятини янада оширишга қуйидаги ҳолатлар салбий таъсир кўрсатмоқда.

1. *Мамлакат ва унинг ҳудудларини молиявий-иқтисодий ҳолати.* Тижорат банклари ва уларнинг бўлимларини ҳудудларда жойлашуви депозит маблағларни етарли даражада жалб қилиш имкониятини беради. Бироқ, мамлакатдаги иқтисодий ҳолат ва унинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривож тижорат банклари депозит сиёсатида ўзининг аксини топади. Депозит маблағларини жалб қилишда ва унинг ҳажмига ҳудудда истиқомат қилаётган аҳоли турмуш даражасининг пасайиши, ишсизлик даражасининг ортиши, ҳудуднинг дотация ҳисобида туриши каби омиллар таъсир қилади.

Мамлакатимиз тижорат банклари депозит сиёсати самарадорлигини оширишда мамлакатимиз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, барча туман, вилоят ва ҳудудларда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, уларнинг даромади барқарорлигини таъминлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг барқарор ўсиб бориши ва миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини таъминлаш муҳим иқтисодий аҳамиятга эгадир. Чунки ҳудудларнинг ривожланиши уларни молиявий-иқтисодий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади, бу ўз навбатида тижорат банклари депозит сиёсати самарадорлигини таъминлашга имконият туғдиради;

2. *Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати.* Марказий банкнинг пул-кредит инструментлари ўзининг иқтисодий самарасини етарли даражада

бермаяпти. Шу билан бирга, тижорат банклари депозит сиёсати самарадорлигига бевосита кучли таъсир этадиган бозор механизмларидан ҳисобланади. Масалан, Марказий банкнинг тижорат банкларига ўрнатган 14 фоизлик мажбурий захираси банклар жалб қилган маблағларнинг маълум қисмини иқтисодий самарасиз ҳолатда Марказий банкда сақлаб туриш мажбуриятини юклайди. Бу ўз-ўзидан тижорат банклари депозит базасини пасайишига олиб келади. Хусусан, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ва тижорат банклари жалб қилинган маблағларига нисбатан ўрнатилган мажбурий захира ставкалари юқорилги ҳам бевосита таъсир кўрсатмоқда. Қуйидаги жавдалда бу ҳақда маълумотлар келтирилган.

*1-жадвал*

**Марказий банкнинг мажбурий захира нормалари  
(2018 йил 1 июндан жорий этилган)**

Жалб қилинган муддатлари	Юридик шахсларнинг депозитларига		Жисмоний шахсларнинг депозитларига	
	Миллий валютада	Хорижий валютада	Миллий валютада	Хорижий валютада
2 йилдан ортиқ	0,0	0,0	0,0	0,0
1 йилдан 2 йилгача	7	8	2	3
бошқа муддатлар бўйича	14	16	4	6

1-жадвалда Марказий банк томонидан тижорат банкларининг жалб қилинган депозитлари бўйича ажратиладиган мажбурий захираларнинг ставкалари ўрнатилган. Маълумки, Марказий банк ушбу сиёсати иқтисодиётдаги пул массасини камайтиради, чунки тижорат банклари белгиланган ставкаларда жалб қилинган депозитлардан мажбурий захирани Марказий банкка ўтказди, бу албатта уларнинг депозит базасини заифлаштиради ва кредитлаш имкониятини пасайтиради.

Фикримизча, иқтисодиётни пул билан таъминланши (монетизация коэффициенти 29,5 фоиз) паст бўлган ҳозирги шароитда мажбурий захиралар ставкасини янада пасайтириш мақсадга мувофиқ.

3. *Халқаро ва маҳаллий иқтисодий-сиёсий вазият.* Мамлакатда халқаро ва маҳаллий вазиятнинг барқарорлиги тижорат банклари депозит сиёсатида ўзининг аксини топади. Хусусан, халқаро иқтисодий ва сиёсий вазиятнинг барқарорлиги мамлакатимиз тижорат банклари билан иқтисодий алоқаларни ўрнатиш имкониятини ва уларнинг депозит маблағлари таркибида хорижий валюталарда ресурсларни шакллантириш имкониятини беради. Таъкидлаш жоизки, республикамиз тижорат банклари депозитларни жалб қилиш жарёни кейинги йилларда фаоллашмоқда, шу жамладан хорижий валюталарда жалб қилинган депозитларнинг ҳам салмоғи анчагина юқоридир. Қуйидаги жадвалда тижорат банклари жалб қилган депозитлар миллий ва хорижий валюта бўйича маълумотлари келтирилган.

**Ўзбекистон тижорат банкларига 2017 йил 12 ойи ва  
2018 йил 9 ойи давомида жалб қилинган депозитлар<sup>1</sup>**

Давр	Жами		шундан валюта тури бўйича			
	млрд.сум	%	миллий, млрд сум	%	хорижий, млрд сум	%
2017 йил	832 322,6	46,2	599 909,2	45,5	232 413,4	47,9
2018 йил 9 ойи	969 918,9	53,8	717 549,9	54,5	252 369,0	52,1
<b>Жами</b>	<b>1 802 241,5</b>	<b>100,0</b>	<b>1 317 459,1</b>	<b>100,0</b>	<b>484 782,4</b>	<b>100,0</b>

2-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, мамлакатимиз тижорат банклари депозитларни жалб қилиш фаолияти 2018 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада фаоллашган. Масалан, таҳлил қилинаётган даврда жами депозитларнинг 53,8 фоизи, валюта тури бўйича миллий валютада 54,5 фоизи, хорижий валютада 52,1 фоиз 2018 йилга тўғри келаяпти, ваҳоланки бу фақатгина мазкур йилнинг 9 ойида жалб қилинганлигини эътиборга оладиган бўлсак аҳоли ва мижозларнинг банкларга бўлган ишончи нақадар мустақамланаётганлигидан далолат беради. Шу билан бирга, хорижий валютадаги депозитлар ҳам салмоқли улушни ташкил этганлиги банкларнинг хорижий валюталар бўйича депозит операциялари шаффоф ва самарали ташкил этилаётганлигининг натижаси сифатида баҳолаш мумкин.

4. *Миллий валютанинг барқарорлиги ва унинг сотиб олиш қобилиятининг юқорилиги.* Миллий валютанинг барқарорлиги ва унинг сотиб олиш қобилиятининг пасайиши тижорат банклари депозит сиёсатининг фоиз ставкасига, рентабеллик даражасига, омонатчиларнинг иқтисодий манфаатдорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Айниқса миллий валютанинг инфляция даражаси юқори бўлган шароитда омонатчиларнинг узоқ муддатли депозитларни банкларга жамғариш манфаатдорлиги пасаяди.

5. *Омонатларнинг кафолатланганлиги.* Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларида юқори риск даражаси мавжудлиги уларни иқтисодий инкирозга учраш эҳтимоли жуда катта бўлади. Мана шу ҳолат омонатчиларни банкларга маблағларни жалб этиш бўйича иккиланиш ҳолатининг вужудга келишига сабаб бўлади. Шу боис банк омонатларини кафолатлаш масаласига алоҳида эътибор берилиши талаб этилади. Бу борада мамлакатимизда қатор ишлар қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Қонун 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган. Шунини таъкидлаш жоизки, ушбу қонун аҳоли ва мижозларнинг банклардаги муддатли омонатларини кафолатлаши белгилаб қўйилган бўлишига қарамасдан, амалиётда етарли даражада ўзининг самарасини бермаяпти, чунки банкларнинг жалб қилинган депозитлари

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2018 йил 9 ойи яқунлари бўйича статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

таркибида муддатли ва жамғарма депозитларнинг улуши жуда пастлигича қолмоқда.

3-жадвал

**Ўзбекистон тижорат банкларига 2017 йил 12 ойи ва  
2018 йил 9 ойи давомида жалб қилинган депозитларнинг турлари<sup>2</sup>**

Давр	Жами		шундан					
	млрд.сум	%	ТҚОС депозитлар *	%	Жамғарма депозитлар	%	Муддатли депозитлар	%
2017 йил	832 322,6	100,0	767 058,0	92,2	40 848,5	4,9	24416,1	2,9
2018 йил 9 ойи	969 918,9	100,0	885 539,2	91,3	56 839,4	5,9	27540,2	2,8

\*ТҚОС=талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар

3-жавдал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган даврда тижорат банкларининг жалб қилинган маблағларининг асосий улуши талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар ҳиссасига тўғри келган. Маълумки, тижорат банкларининг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари унинг соҳиби томонидан исталган пайтда талаб қилинишини эътиборга оладиган бўлсак, ушбу маблағларни рискли активларга жойлаштириш масаласи юқори рискни вужудга келишига сабаб бўлади. Шу жиҳатдан, фикримизча, мамлакатимиз тижорат банклари депозитлари таркибида муддатли ва жамғарма депозитлар улушини кескин даражада ошириш масаласига жиддий эътибор қаратиш лозим.

Қонун бўйича омонатларни кафолатлаш мақсадида фойдаланиладиган маблағлар тижорат банклари томонидан Фондга бир йўла тўлайдиган бадали банкнинг амалда шаклланган устав капитали миқдорининг 0,1 фоизи, календарь бадалларнинг миқдори ушбу Қонунга мувофиқ кафолатланиши лозим бўлган фуқаролар омонатларининг йил чорагидаги амалдаги қолдиғига қараб Фонд кузатув кенгаши томонидан белгиланган, аммо омонатлар умумий суммасининг 0,5 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда белгиланган.

### **Хулоса ва таклифлар**

Амалга оширилган таҳлиллар ва ўрганишлар асосида мамлакатимиз тижорат банклари депозит сиёсатини ишлаб чиқиш ва унинг амалиётга жорий этишда қуйидаги асосий масалаларга эътибор қаратиш лозим:

1. *Банкларга жалб этилаётган маблағлар иқтисодий нуқтаи назардан самарали бўлиши лозим.* Бунда асосий эътибор тижорат банклари томонидан пассив операциялар натижасида жалб қилинаётган маблағларни актив операцияларга жойлаштириш орқали олаётган даромадлари қилинган харажатларни қоплаш билан бирга, тегишли фойдани бериши муҳим масалалардан ҳисобланади;

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2018 йил 9 ойи яқунлари бўйича статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган



2. *Банкнинг депозит сиёсати рақобатбардош бўлиши лозим.* Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари ўртасида молия ва фонд бозорларидан маблағларни жалб қилишда рақобат муҳити вужудга келади. Бундай рақобатда ютиб чиқишнинг асосий мезонларидан бири омонатчиларни йўқотмаслик мақсадида уларнинг омонатлари бўйича тўланадиган фоиз тўловларини ошириб бориш лозим бўлади. Бу ўз навбатида банкнинг рентабеллик даражасига таъсир қилади, ушбу таъсирнинг салбий натижаларни келтириб чиқармаслик ҳолатларини таъминланиши банк депозит сиёсати рақобатбардошлигини англайди;

3. *Марказий банкнинг монетар сиёсатини иқтисодиётдаги пул массасини камайтиришга (қаттиқ пул-кредит сиёсати) қаратилган мақсадни кўзлаб эмас, балки яқин келажакда миллий иқтисодиётнинг пулга бўлган талаби ва уни қондирилиши даражасига (юмшоқ пул-кредит сиёсати) қараб амалга ошириш лозим.*

4. *Тижорат банклари депозити сиёсатида қуйидаги ҳолатлар алоҳида инобатга олиниши ва аниқ қилиб белгилаб қўйилиши лозим.*

а). депозит муносабатларининг субъектлари бўйича, яъни банк депозит маблағлари айнан қандай шахсларнинг маблағлари ҳисобидан шаклланиши ва улардан банк учун зарур бўлган маблағларни жалб қилиш имкониятлари аниқ белгилаб олиниши керак;

б). депозитларнинг шакллари бўйича, яъни банкка жалб этилаётган депозит маблағларнинг қандай ҳажми талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар, муддатли депозитлар ва жамғарма депозитлардан бўлиши, улар ўртасидаги нисбатлар инобатга олиниши мақсадга мувофиқ;

в). риск даражаси бўйича яъни, омонатчилар ва мижозларнинг ҳисобварақалари бўйича тегишли қолдиқ суммалари ва уларни сақлаш муддати қанчалик юқори бўлса, банк учун депозит маблағларини жалб этишда риск даражаси шунчалик паст бўлади ва аксинча;

г). маблағларни жалб этишнинг асосий мақсади, яъни банк депозит маблағларни жалб этишдан олдин уларни қандай актив операцияларга (кредит, инвестиция, банклараро кредит, асосий воситалар, нақд пул) жалб этилиши аниқ белгилаб қўйилиши, бунда амалга оширилган актив операциялар натижасида қилинган харажатлар қопланиши эътиборга олиниши лозим;

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банклари депозит сиёсатини шаклланиши ва унинг ривожланишига қатор омиллар таъсир қилиб, уларнинг ижобий ҳал этилиши банкнинг ликвидлик ва рентабеллигини таъминлашга бевосита ижобий таъсир кўрсатади.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/>

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2018 йил 9 оyi яқунлари бўйича статистик маълумотлар тўплами. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)

3. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. “Современный экономический словарь. - 6-е изд., перераб. и доп. - М.” (ИНФРА-М, 2011). 1085 с.

4. Философский энциклопедический словарь (серия БСИ)” М.: 1999. / Редакторы Е. Ф. Губский, Г. В. Кораблева, В. А. Лутченко. 895 с.

5. Падалкина Л.С. Современная денежно-кредитная система капитализма. –М.: ВЗФЭИ, 1982. 152 с.

6. Роде Э.М. Банки, биржи, валюты современного капитализма. М.: «Дело ЛТД», 1995. 148 с.

7. Мицек С.А. Экономика финансовых институтов. –Екатеринбург: Дело, 1996. 42 с.

8. Journal of International Financial Markets, Institutions & Money, J. Int. Financ. Markets Inst. Money 47 (2017) 89–102. Broader use of saving products among people can make deposit funding of the banking system more resilient Rui Han, Martin Melecky. <https://www.sciencedirect.com/>

9. Ўзбекистон Республикаси Қонуни “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” [www.lex.uz](http://www.lex.uz)